

# **Лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш ишларини бажариш учун**

## **№ 14 - сонли шартнома**

Бухоро шаҳри

17.11.2022 йил

Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги «Ягона буюртмачи хизмати инжинииринг компанияси» келгуси ўринларда «Буюртмачи» деб аталиб Низомга асосан компания директори Ф.Б.Жаллиев бир томондан «BUKHARA PERFECT PROJECT» МСНJ кейинги ўринларда «Бажарувчи» деб аталиб ҳамда Низом асосида иш юритувчи номидан раҳбар К.Кахаров иккинчи томондан мазкур лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш бўйича шартнома туздилар:

### **1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ**

1.1. Бухоро вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги Ягона буюртмачи хизмати инжинииринг компаниясининг 2022 йил 15 ноябрдаги № 57820 - сонли электрон баённомасига кўра «Жондор туман Пахтакор махалласи Беруний 1 кўчасидаги 8/3, 8/4, Теракзор 3 ва 5 кўп қаватли уйларнинг фасад қисмини таъмирлаш» обьекти бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқишни Бажарувчи ўз зиммасига олади.

1.2. Буюртмачи лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун топшириқ бериш, лойиҳа-смета ҳужжатларини тузиш учун зарур бўлган дастлабки маълумотларни бериш, бажарилган ишларни қабул қилиб олиш белгиланган тартибда амалга оширилади.

1.3. Бажарувчи лойиҳа-смета ҳужжатларини амалдаги тартиб-қоидалар ва меъёrlарга риоя этган ҳолда ишлаб чиқади.

1.4. Бажариладиган ишлар тартиби, амалга ошириш муддатлари куйидаги тартибда:

- бажариладиган ишлар муддатининг календар режаси 1-иловага мувофиқ;
- лойиҳа ишларини бажариш сметаси – 2 илова мувофиқ белгиланади.

Ушбу шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

### **2. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ**

#### **2.1. Буюртмачининг мажбуриятлари:**

2.2. Буюртмачи шартномада кўзда тутилган шартлар ва тартиблар асосида тўловни амалга ошириш.

2.3. Тайёр бўлган лойиҳа-смета амалдаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ равишда қабул қилиб олишни таъминлаш мажбуриятини олади.

#### **2.5. Бажарувчининг мажбуриятлари:**

2.6. Бажарувчи ишларни техник топшириқ ва келишилган график асосида ўз вақтида сифатли бажаришни, Буюртмачи билан бажарилган ишларнинг (босқичларнинг) натижаларини келишиш;

2.7. Объектнинг курилиш-монтаж жараёнида муаллифлик назоратини олиб бориш ишлари амалга ошириши шарт;

2.8. Ушбу шартнома бўйича Бажарувчи ўз мажбуриятларини сифатсиз бажарса, бир ҳафтадан ошмаган муддатда, талаб қилинган сифат даражасида ўз ҳисобидан қайтадан бажариш мажбуриятини олади.

### **3. ИШЛАРНИНГ ТОПШИРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

3.1. Қуйидаги шартларнинг тўлиқ амалга оширилганда тарафлар имзоланган шартнома мажбуриятларнинг бажарилиши бошланган ҳисобланади.

3.2. Ишлар тугагандан сўнг Бажарувчи буюртмачига ишларни топшириш ва қабул қилиш далолатномаси билан З нусхада лойиҳа-смета ҳужжатлар тўпламини топширади.

3.3. Буюртмачи ишларни қабул қилмаслигининг асосли рад жавобини берган ҳолда зарур бўлган қўшимча ишларнинг руйхати ва уларнинг бажарилиш муддатларини кўрсатган ҳолда, икки томонлама далолатнома тузилади.

3.4. Агар ишларни бажарилиш жараёнида уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги аниқланса, томонлар 5 кун муддат ичида уни тўхтатиш бир-бирини хабардор қилиши ва 15 иш кунида ишларни давом эттириш мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқиши шарт. Ишларнинг тўхталиши томонлар учун Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида кўзда тутилган оқибатлар ва жавобгарликка олиб келади.

3.5. Томонлардан бири мазкур шартномада кўзда тутилган ишларни тўхтатиш тўғрисида ёзма хабар берган вақт ўзаро хисоб-китоб қилиш вақти хисобланади.

#### 4. ШАРТНОМА БАҲОСИ ВА ТЎЛОВ ТАРТИБИ

4.1. Шартнома бўйича амалга ошириладиган ишларнинг баҳоси қўшимча қиймат солиги билан – **5 500 000** (Беш миллион юз минг) сўмни ташкил этади.

4.2. «Буюртмачи» шартнома имзолангандан сўнг шартнома баҳосининг 30 % микдорида бўнак (аванс) тўловини амалга оширади. Қолган 70% тўлов бажарилган ишларни тасдиқловчи хужжат (далолатнома)га асосан тўловни амалга оширилишини маълум қиласиз.

4.3. Ишлар қиймати узел-кесил хисобланади ва кейинчалик кайта куриб чиқилиши мумкин эмас, куйидаги холлар бундан мустасно:

- ишлар қиймати кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган яъни (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлгандা;
- ишлар Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда.

#### 5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни тарафлар бажармаганда мазкур шартноманинг амалдаги талаблари ва Ўзбекистон Республикаси Қонун хужжатларига мувофиқ, шунингдек шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига (ШНК 1.03.01-08) мувофиқлиги юзасидан жавоб беради.

5.2. Бажарувчи лойиҳа-смета хужжатларида камчиликлар учун қурилиш лойиҳа-смета хужжатларини белгиланган тартибда тасдиқлангунга қадар жавоб беради. Лойиҳа-смета хужжатларида камчиликлар аниқланган тақдирда Бажарувчи Буюртмачининг талаби билан лойиҳа-смета хужжатларини бепул қайта ишлаб чиқади.

5.3. Шартномага томонлар розилиги асосида, ёзма равишда ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

5.4. Мазкур шартнома бўйича низо келиб чиқсан ҳолларда, томонлар келишувига эришмаган тақдирда, қонунларда белгиланган тартибда ва иқтисодий судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

5.5. Буюртмачи томонидан дастлабки тўлов ва ишларни топширилганда шартлашилган ҳақи кечикирилган ҳар бир кун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,01 фоизи микдорида Бажарувчига пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилган хизматлар қийматининг 10 фоизидан ошмаслиги лозим.

5.6. Бажарувчи томонидан смета хужжатларини тайёрлаш ўз вақтида бажарилмай мажбуриятлар бузилган бўлса Бажарувчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,01 фоизи микдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 10 фоизидан ошмаслиги лозим.

5.7. Шартнома «Бажарувчи»нинг ташаббуси билан бекор қилинганда, шартнома бекор қилингунга қадар бажарилган ишлар учун тўланган маблағ «Бажарувчи»га қайтарилмайди.

5.8. Шартнома муддатидан олдин бекор қилиш таклифини билдирилган тараф 10 кун олдин муддатда иккинчи тарафни хабардор қилиши лозим. Бунда тарафлар ўртасида ҳақиқатда амалга оширилган ишлар бўйича белгиланган хужжатлар асосида тўлиқ хисоб-китоб қилинган ҳолда амалга оширилади.

Бажарувчининг бажарилган ишлари ҳажмидан ёки молиявий ҳисоб-китоблардан аниқланган камчиликлар натижасида Буюртмачига қайтариладиган маблағлар ва бошқа тўловлар бўйича мажбуриятларни ўз вақтида бажармаса, Буюртмачи ушбу маблағларни молиялаштириш учун ажратилган маблағлар ҳисобидан чегириб қолиш хуқуқига эга.

5.9. Мазкур шартнома билан назарда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

## 6. ФОРС-МАЖОР ВА НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ.

6.1. Тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган, уларни олдиндан билиш ёки олдини олиш имконияти бўлмаган ҳолатлар (енгиб бўлмас куч), эпидемия ва ҳ.к. оқибатида мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун тарафлардан бирортаси иккинчи тараф олдида жавобгар бўлмайди.

6.2. Ушбу шартнома бўйича ёки у билан боғлиқ ҳолда тарафлар ўртасида келиб чиқадиган барча низолар ва зиддиятлар музокаралар олиб бориш йўли билан ҳал этилади.

6.3. Музокоралар олиб бориш йўли билан зиддиятларни ҳал қилишга эришилмаган тақдирда, мазкур шартноманинг тузилиши, унинг шартларини ўзгариши, бузилиши, ижро этилиши, бекор бўлиши, тугатилиши ва ҳакиқийлиги юзасидан келиб чиқувчи барча низолар, келишмовчиликлар ва талаблар Иқтисодий судида кўриб чиқилади.

## 7. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА УНГА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ.

7.1. Ушбу шартнома имзоланган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йил 31 декабргача амал қилади.

## 8. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛЛИ ВА ҲИСОБ РАҶАМЛАРИ

### «БУЮРТМАЧИ»

«Бухоро вилояти ҳокимлиги Ягона буюртмачи  
хизмат инжиниринг компанияси»

Манзил: Бухоро шаҳри, Пр. Навои 5  
тел. 223-63-23, 223-63-26

X/r : 301821860064017013990199020  
ИНН 201512962 ОКОНХ 69000 ОКЭД 70100

Бухоро вилоят Ғазначилик бошқармаси

X/r: 23402000300100001010

Марказий банк Тошкент шаҳри  
МФО 00014 ИНН 201122919



Компания раҳбари  
(мухр, имзо)

Жаллиев Ф.Б.

Хукукшунос:  
Лицензия ЮК № 006/16

Соибов Д.

III.Б.:

Хайитов Р.

### «ИШ БАЖАРУВЧИ»

«BUKHARA PERFECT PROJECT» MCHJ

Манзил: Бухоро шаҳар, Отабой Эшонов 33-үй  
Тел.97-292-66-26

X/c 2020 8000 3007 8757 5001

Банк номи: Алоқа банк Бухоро филиали  
МФО 00401 ИНН 304 977 521  
ОКОНХ

Директор \_\_\_\_\_  
(мухр, имзо) Ф. Шарипов

Хукукшунос: \_\_\_\_\_

